2013 йил 27 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 247 — 248 (12.558 — 12.559)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Юрт келажаги

Елкин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР АНИҚЛАНДИ

***Пойтахтимизда «Юрт келажаги» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.***



Мазкур танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б.Ғаниев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларини жадал ислоҳ этиш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, йигит-қизларнинг қизиқиши, орзу-интилишига мос касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши мамлакатимиз ёшларини ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ёшларнинг оила, жамият ва Ватан олдидаги масъулиятини янада кучайтириш, улар учун янги иш ўринлари барпо этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимининг барча бўғинлари моддий-техник базасини яхшилашга оид ишлар кўлами янада кенгайди. Айни пайтда навқирон авлоднинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш юзасидан кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

«Юрт келажаги» республика кўрик-танлови шундай лойиҳалардан биридир. Мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад янги истеъдод соҳибларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ўзбекистон давлат консерваторияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот-коммуникация технологиялари ва рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат каби номинациялар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

– Мамлакатимизда ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Муҳаммадсолиҳ Маматов. – Бундай улкан имконият ва кенг қулайликлар бизни илм-фан, бадиий ижод ва меҳнатда янада фаолроқ, озод ва обод Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Кўрик-танловда турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Назокат УСМОНОВА**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ўтказган мониторинги якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идора, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, бу мурожаатлар белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун Конституциямизда белгиланган умуминсоний тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда давлат органлари, муассасалар ва ўзини ўзи бошқариш органларида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш бўйича пухта тизим шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти тизимида ҳам фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларнинг ечимини топиш жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тизимга замонавий ахборот технологиялари кенг татбиқ этилиши натижасида кейинги йилларда электрон мурожаатлар сони кўпайиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини, аҳолининг ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасидаги ишларни ўрганиш мақсадида тегишли давлат ва жамоат тузилмалари, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда мониторинг ва ижтимоий сўров ўтказди.

Ушбу тадбир фуқароларнинг мурожаатлари соҳасидаги фаолиятни янада ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари тизимида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-тамойилларини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифаларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш борасида давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлигини кўрсатди.

Йиғилишда мониторинг ва ижтимоий сўров жараёнида тўпланган тажрибалар депутатлар томонидан ишлаб чиқилган ва кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилаётган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбирда фуқароларнинг мурожаатлари соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш, амалий ишларни янги босқичга олиб чиқиш, мониторинг ва ижтимоий сўров натижаларини барча ҳудудларда чуқур ўрганиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш борасида фикрлашилди. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ САМАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимига инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Мансуров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларининг изчил олиб борилаётгани самарасида тизимда тайёрланаётган маҳсулотлар тури, сифати, рақобатбардошлиги ҳамда харидоргирлиги ошиб бораётганини таъкидлади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги мавжуд уч юзга яқин корхонада кенг турдаги калава ип ва газламалар, тикувчилик, тикув-трикотаж, пайпоқ буюмлари, ипакчилик маҳсулотлари, иш кийимлари ва тиббиётга оид кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун яратилган қулай шароит ва берилган имтиёзлар туфайли тўқимачилик тармоғи йил сайин юксалмоқда. Хусусан, компания таркибида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Германия, Швейцария, Италия, Япония каби давлатлар инвестицияси иштирокида ташкил этилган бир юз элликдан зиёд хорижий ва қўшма корхона фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда улар томонидан 2,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали маҳсулот ҳажмини ошириш, экспортда тайёр ва ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларининг улушини кўпайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Қарорга кўра, 2011-2015 йилларда мамлакатимизда эллик бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозиргача умумий қиймати 231,9 миллион АҚШ долларига тенг ўттиздан ортиқ лойиҳа муваффақиятли бажарилди. Натижада 4 минг икки юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Лойиҳа қиймати 42 миллион АҚШ долларига тенг, 300 янги иш ўрни яратилган «Жиззах-пластекс», инвестиция ҳажми 31 миллион доллар, йилига 7 минг тонна калава ип ишлаб чиқарадиган «Индорама-Қўқон текстиль», лойиҳа қиймати 7,2 долларга тенг, 500 янги иш ўрни яратилган «Намимпэкстекстиль» корхоналари шулар сирасидандир.

Анжуманда мавжуд корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини ишлаб чиқаришга жалб этиш каби масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Ижтимоий меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросида касаба уюшмаларининг ўрни» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан «Соғлом бола кулгуси дунёни тўлдирсин» номли хайрия лойиҳаси ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий академик драма театрида «Борлиғимсан, болажон!»деб номланган хайрия тадбири ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президентимизнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойишига мувофиқ тузилган Ишчи комиссиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди.**

• **Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорни бажаришга бағишланган тадбир ўтказилди.**

• **Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Янги йил байрами арафасида мебель ва шу турдаги уй жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бахтиёр Азимов» хусусий корхонаси ҳамда «Ёруғ нур» масъулияти чекланган жамияти ишга тушди. Ушбу икки корхонада йигирма нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.**

• **Уйчи тумани санъатсевар ёшлари Янги йил байрами арафасида қурувчилардан ажойиб туҳфа олишди. Туман марказидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун барпо этилган замонавий бино фойдаланишга топширилди. Мактабнинг замонавий биносини барпо этиш учун 2 миллиард 182 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Шунингдек, ушбу муассасага 402 миллион 795 минг сўмлик маблағ эвазига чолғу асбоблари топширилди.**

• **Нукус қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солишни янада такомиллаштиришга бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

• **Европанинг қатор давлатларида кузатилаётган ноқулай об-ҳаво шароити қитъа аҳолисининг Янги йил байрами кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, кучли шамол туфайли Буюк Британияда юз мингдан ортиқ уй электр таъминотидан узилиб қолди. Франция, Испания, Португалия ва Бельгияда ҳам бир қатор аэропортлар фаолияти вақтинча тўхтатилган, тоғли ҳудудлардаги дам олиш масканлари ёпиб қўйилган.**

• **Бельгиянинг Гент шаҳрида иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган авиабомба топилди. Портловчи қурилма темир йўл станцияси ҳудудидан чиққанлиги боис яқин атрофда истиқомат қилувчи 300 нафардан ортиқ одам хавфсиз жойга кўчирилди, «Гент-Брюссель» йўналиши бўйича қатновчи поездлар ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Шундан сўнг бомба мутахассислар томонидан зарарсизлантирилди.**

• **Лондондаги «Апполо» театрида спектакль қўйилаётган чоғда ушбу санъат масканининг шифти ўпирилиб тушиши натижасида 76 киши жароҳатланди. Ҳозирча ушбу нохуш ҳолатнинг сабаби номаълум.**



# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШИ

***Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг, сўнг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг 2013 йилдаги маҳаллий бюджети ижроси ва 2014 йилдаги маҳаллий бюджети лойиҳаси, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари, иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги кутилаётган йил якунлари ҳамда ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар муҳокама этилди.

Бундан ташқари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Миробод, Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманларида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш юзасидан тайёрланган қарор лойиҳасига муносабат билдирилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи раиси, Сенат аъзоси Ф.Абдураҳимова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Ҳ.Маҳкамов, Т.Назаров, С.Бобоқулов, Х.Акилов, Ж.Кульмуҳамедов, Д.Шоумаров, Д.Аюпов, Д.Исламова, К.Шокирова, Н.Насимов, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Насретдинов, Молия бош бошқармаси бошлиғи Н.Собиров, Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Л.Нуруллаев, Архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси бошлиғи А.Таджиев, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари О.Абдураҳмонов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари Б.Боқиев ҳамда Яккасарой тумани ҳокимининг ўринбосари Р.Мавлянов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қўшма йиғилишлар якунига кўра доимий комиссиялар томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаро ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида мурожаатлар билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган.***

# МУРОЖААТ АСОСЛИ БЎЛСА, ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда қонунларга қатъий риоя қилиш, бирорта ҳам қонунбузилиши ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслик, хатоларни тезда тузатиш чораларини кўриш, мурожаатларни ҳал этишда қонун ва фуқаролар манфаатлари устуворлиги тамойили асосида иш юритиш аҳолининг давлат органлари ва ҳуқуқий ислоҳотларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ҳам фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Мурожаатлар билан ишлашда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Бош прокурорнинг тегишли буйруқлари талабларидан келиб чиқиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Конституция ва қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқларга дахл қилинган ҳар қандай ҳолатда тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонун устуворлиги таъминланмоқда.

Якунланаётган 2013 йилнииг 11 ойи давомида шаҳар прокуратураси органларига фуқаролар ва юридик шахслардан 32 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 10 мингдан зиёдроғи бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Мурожаатларнинг 1200 га яқини қаноатлантирилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Мисол учун, шаҳримизда фаолият юритиб келаётган «ORGRES» ОАЖ раҳбари М.Турдиев шаҳар прокуратурасига 2011 йил 15 февраль куни тузилган шартнома асосида «Самарқанд ПТЭС» ОАЖда 409.321.950 сўмлик қурилиш ишларини бажарганликларини, бироқ «Самарқанд ПТЭС» ОАЖ томонидан бажарилган ишлар учун тўлов амалга оширилмаётгани, хўжалик судига мурожаат қилиш учун эса корхонанинг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Мазкур мурожаат юзасидан ўтказилган текширув давомида «ORGRES» ОАЖ ва «Самарқанд ПТЭС» ОАЖ ўртасида тузилган шартнома бўйича бажарилган ишларнинг таққослаш акти тузилгани, жами қарздорлик 409.321.950 сўмни ташкил этиши аниқланган. Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан жорий йилнинг 1 августида хўжалик судига даъво аризаси киритилган. Суд томонидан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан соҳага доир қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 200 дан ортиқ текшириш ўтказилган бўлиб, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан кескин чоралар кўрилган. Жумладан, тегишли идораларга 200 га яқин тақдимнома киритилган, 100 дан ошиқ нафар мансабдор шахс огоҳлантирилган, 240 га яқин интизомий, 50 дан зиёд маъмурий ишлар юритилган. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини узлуксиз қабул қилиш учун «1007» рақамли ишонч телефони ўрнатилган бўлиб, у орқали жорий йилнинг ўтган даврида 50 га яқин хабар келиб тушган. Мурожаатларнинг барчаси бўйича текширувлар ўтказилган ва натижалари бўйича қарорлар қабул қилиниб, ўз вақтида жавоблар берилган.

Фуқаро Ш.Бабаеванинг ишонч телефони орқали Миробод тумани «Тумангаз» корхонаси ходимлари томонидан асоссиз равишда 500.000 сўм қарзни тўлаш тўғрисида талаб қўйилаётгани, хонадонидаги газ тармоғи узиб қўйилгани ва унинг бу ноқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишни сўраб корхона раҳбариятига қилган мурожаатлари эътиборсиз қолаётгани тўғрисидаги мурожаати юзасидан текшириш ўтказилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, фуқаролар Ш.Вашакидзе, Х.Сафаров ва бошқалар ҳам прокуратура органларига худди шу мазмундаги аризалар билан мурожаат қилишган.

Тегишли мутахассисларни жалб қилинган ҳолда Миробод туман «Тумангаз» корхонасининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текшириш давомида юқоридаги мурожаатлар асосли эканлиги ўз тасдиғини топган.

Маълум бўлишича, Миробод туман газ таъминоти корхонаси ходимлари фуқаро Ш.Бабаеванинг хонадонидаги газ ҳисоблагич мосламасини текширганларида истеъмолчи қарзини нотўғри ҳисоблаганлар. Бундай адолатсизликдан норози бўлган Ш.Бабаеванинг корхона раҳбариятига қилган мурожаатлари эътиборсиз қолган. Унинг аризаси юзасидан текшириш ўтказишни ташкил этиш ўрнига, истеъмолчи бутунлай газ таъминотидан узиб қўйилган. Бу билан Миробод туман газ таъминоти корхонаси раҳбар ходимлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бузилишига йўл қўйишган.

Шунингдек, «Тумангаз» ходимлари томонидан бошқа истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳам бузилгани, уларни асоссиз ва ҳужжатларда ўз тасдиғини топмаган қарздорларга айлантириб қўйишгани аниқланган. Масалан, фуқаро Ш.Вашакидзега 972.000 сўм, Х.Сафаровга 107.000 сўм, Л.Кривцунга 1.300.000 сўм миқдоридаги асоссиз қарздорлик белгиланган. Ана шундай ҳолатлар бўйича биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида Миробод тумани газ таъминоти корхонасига 26 фуқародан мурожаат келиб тушган. Бироқ уларнинг деярли барчаси сансалорликка солиниб, эътиборсиз қолдириб келинган.

Бундан ташқари, Миробод тумани газ таъминоти корхонаси молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текшириш давомида яна кўплаб ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилгани аниқланган. Эндиликда корхона раҳбарияти ва масъул ходимлари қонун олдида жавоб беришмоқда.

Мурожаатлар бўйича ўтган давр мобайнида ариза ва шикоятлар юзасидан текширишлар белгиланганидан ортиқ муддатда ўтказилишига йўл қўйилмаган. Фуқароларни бевосита меҳнат жамоаларида қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, маҳкама ходимлари ва туман прокурорларининг меҳнат жамоаларида қабул қилиш жадваллари ишлаб чиқилган.

Келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра 170 тага яқин тақдимнома, 70 дан зиёд протест киритилган. 20 дан ортиқ нафар шахс жиддий огоҳлантирилган, 350 га яқин интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка доир иш қўзғатилган. Кўплаб жиноят ишлари қўзғатилган, судларга 1.9 млрд. сўмлик 205 та даъво аризалари киритилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг тўлиқ таъминланиши, энг аввало ҳар бир шахс, ҳар бир фуқаронинг ўзига, унинг ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Конституциявий ҳуқуқларини англаб етган, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлган фуқаро ҳеч қачон адашмайди, қонунга зид тўсиқлар олдида чорасиз қолмайди.

Шу маънода, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат, қонунбузилишларга эса муросасизлик руҳида тарбиялаш борасида аниқ режа асосида фаолият олиб борилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали қилинган чиқишлардан ташқари, пойтахтимиз маҳаллаларида, ўқув муассасаларида, корхона-ташкилотларда ўтказилаётган мулоқот ва учрашувларда юртдошларимизга қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тарғиб этилмоқда.

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори**

# ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА

## ўринли таклифлар ишлаб чиқилди

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида «Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари» мавзусида семинар ўтказилди.***

Семинарда шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, адлия, ички ишлар, солиқ, божхона бошқармалари ҳамда шаҳримиздаги тегишли давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этди.

Анжуман давомида таъкидланганидек, давлатимизнинг мустақил тараққиёти даврида муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси барча соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Бинобарин, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар, ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришнинг янги механизмлари ишлаб чиқилди.

Концепция доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низомга биноан, ушбу вазирлик қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳаларида сифат ва самарадорликка эришиш борасида назорат ишларини олиб боради. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласида мазкур вазирлик мувофиқлаштирувчи ролини бажаради.

Ҳуқуқни қўллаш соҳасида Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бир хил қўллаш ишини ташкиллаштиради ва ушбу жараён устидан мониторинг олиб боради. У ўзининг ваколати доирасида қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан хулосалар беради.

Бу борада, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Тошкент шаҳридаги 30 га яқин давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда назорат қилувчи идораларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳволи ўрганилди. Унинг натижаларига кўра ўрганилган барча идоралар фаолиятида кўплаб қонун бузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди, ҳар бир ҳолатга тегишли муносабат билдирилди. Ҳудудий бўлим томонидан мазкур қонун бузилишларини бартараф этиш билан бирга, энг аввало уларни келтириб чиқараётган сабабларнинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, ушбу семинар давлат органлари фаолиятидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада амалиёт ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни чуқур муҳокама қилишга бағишланди.

Ўзаро фикр алмашиш, тўпланиб қолган муаммоларни биргаликда ҳал этиш руҳида ўтган анжуманда соҳа мутасаддилари бугунги кунда долзарб масалалар ҳисобланмиш «Меҳнат миграциясига доир ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши», «Божхона қонунчилигига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар», «Тошкент шаҳрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш», «Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш», «Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари» мавзуларида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг фаолияти ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, барча давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликнинг сўзсиз таъминланишига хизмат қилиши ҳақида якдил фикр билдирдилар.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



# ЛИЦЕЙДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***Шаҳримиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.***

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ҳам Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Ёшлар билан бевосита мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округидан подполковник Улуғбек Дўстматов, шаҳримиздаги ҳарбий қисмлардан бирининг ҳарбий хизматчилари капитан Илҳомжон Давлатов, сержант Отабек Мамадиевлар сўзга чиқиб, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталиб, Ватанга хизмат муқаддас бурч эканлигини алоҳида таъкидладилар, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Учрашув давомида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги фильмни ёшлар мароқ билан томоша қилишди.

Тадбир сўнгида ўқувчилар билан жонли мулоқот ўтказилди.

**Даврон НУРМАТОВ**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

***Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида анъанавий «Энг илғор мутахассис» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда юқори натижага эришган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Қоровул ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари вакиллари қатнашди.***

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ИЛҒОРЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тайёргарлиги ҳамда жанговар шайлик ва касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ташкил этилаётган кўплаб кўрик-танлов ва спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этаётир.

«Энг илғор мутахассис» танловида ҳарбийлар жисмоний ва техник тайёргарлик, жанговар қуролдан нишонга ўқ отиш каби шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини намойиш этди. Ҳарбий топография, маънавий-маърифий ва назарий билимлар бўйича тест синови топширди.

«Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор қисм командири» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

– «Энг илғор сержант» номинациясида ғолиблар сафидан жой олганимдан хурсандман, – дейди кичик сержант А.Абилов. – Бу бизни халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида янада юксак масъулият ва садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Шу кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Байрам шодиёналарининг кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида тегишли давлат ташкилотлари билан бирга маҳаллалар фуқаролар йиғинлари томонидан ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.***

**Янги йил тараддуди**

# МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Пойтахтимиз маҳаллаларида байрамни уюшқоқлик билан нишонлаш, кенг аҳоли иштирокида ўтадиган тадбирларни мазмунли ва мароқли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Байрам ўтадиган жойларда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, Ҳамза туманида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан хонадонлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда байрамни тинч-осойишта, мазмунли ўтказиш юзасидан тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда. «Маҳалла обод – юрт обод», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Тинчлик, осойишталик – бебаҳо неъмат» каби мавзуларда кенг жамоатчилик ва ёшлар иштирокида ташкил этилаётган бундай тадбирларда олим ва мутахассислар, нуроний отахон ва онахонлар юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг аҳамияти, уни асраб-авайлаш, ислоҳотларни янада ривожлантиришда навқирон авлоднинг зиммасидаги вазифалар ҳақида сўз юритмоқда.

Янги йил байрамини тинч ва осойишта ўтказишда пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг олдини олиш муҳим вазифалардан. Бундай маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш, сотиш ва фойдаланишнинг тақиқланиши самарасида кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларнинг кескин камайишига эришилмоқда.

Туманда бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида маҳаллаларда оқсоқол, маслаҳатчилар, профилактика инспектори ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу жараёнда аҳолининг иштирокини кенгайтириш мақсадида маҳаллалар ҳудудида жамоат хавфсизлигини сақлаш бўйича махсус гуруҳлар тузилди. Маҳалла посбонлари, уй ва йўлак бошқарувчилари, фаол ёшлардан иборат бундай гуруҳларнинг вазифалари ўзи яшаётган ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, халқимизнинг ҳушёрлигини ошириш, байрамни кўнгилли ва мароқли ўтказишга кўмаклашишдир.

– Маҳаллаларимизда байрамни ўтказиш бўйича махсус штаблар фаолияти йўлга қўйилгани, жамоат хавфсизлигини сақлаш бўйича гуруҳлар ташкил этилгани тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, – дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ҳамза туман бўлинмаси раиси Барот Саломов. – Шу кунларда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари вакиллари, фаол ёшлар иштирокида тузилган ана шундай жамоат тузилмалари маҳаллалар ҳудудида осойишталикни таъминлаш билан бирга, ҳудудимиздаги йирик бозорларда ва байрам ўтадиган жойларда ташкил этиладиган савдо ярмаркалари давомида жамоат тартибини сақлашда ҳам бизга яқиндан кўмак бермоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида тумандаги маҳаллаларда катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳаллаларнинг маъмурий бинолари ва гузарлари реконструкция қилинди. «Намунавий маҳалла» лойиҳаси доирасида ноқонуний қурилма ва гаражлар олиб ташланиб, ўрнида болалар ўйин майдончалари, автомобиллар қўйиладиган замонавий масканлар барпо этилди. Бобур номидаги маҳаллада амалга оширилган ана шундай лойиҳа натижасида йигирмадан зиёд болалар ўйин майдончаси барпо этилди. Элликдан зиёд кўп қаватли уйнинг кириш қисмига замонавий эшиклар ўрнатилди. Маҳалла гузарлари, маъмурий бинолар, боғлар ва бошқа иншоотлар замонавий кўринишга келтирилди.

Маҳаллалардаги арча байрамларининг ана шундай обод ва озода масканларда кенг аҳоли, жумладан, болалар, ёшлар иштирокида ўтказилиши барчага ўзгача завқ-шавқ бағишламоқда. Байрам кунлари ёлғиз қариялар, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига байрам совғалари улашиш, байрам дастурхони ташкил этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Маҳаллада тинчлик-тотувлик, осойишталик муҳитини мустаҳкамлашда маҳалла посбони жамоат тузилмасининг ўрни беқиёсдир. Жамоатчилик асосида фаолият юритаётган посбонлар маҳаллада соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни кучайтириш, ёшларни турли иллатлардан ҳимоялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролар йиғини раисининг фаол кўмакчисига айланди.

– Маҳалламиздаги мавжуд йигирма бир кўчада жамоатчилик асосида фаолият юритаётган посбонлар гуруҳи осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Катта Янгиобод маҳалласи раиси Комил Зиёмуҳаммедов. – Амалга оширилаётган бундай ишлар ёшлар тарбиясида кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг фаоллигини ошириш, улар қалбида юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бундай ишларнинг натижалари фаол ёшларимиз сафи кенгайиб бораётгани, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётганида яққол намоён бўлмоқда. Соғлом бола йилида ҳам бу борадаги эзгу ишларни изчил давом эттириш, маҳалламизнинг навқирон авлод камолотидаги ўрнини янада юксалтириш асосий вазифаларимиздандир.

**Баҳор ХИДИРОВА**


Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

**Байрамолди ярмаркалари**

# ЮРТ ОБОДЛИГИ БОЗОРЛАРДА НАМОЁН

***Мамлакатимизда янги – 2014 йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишга ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилаётган анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари халқимизнинг Янги йил байрамини катта шодиёна билан кутиб олишига хизмат қилмоқда.***

Пойтахтимиздаги йирик бозорлардан бири – «Қўйлиқ деҳқон бозори»да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун барча зарур шароит яратилган. Ўз томорқаси ва хўжалигида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотаётганлар солиқлардан озод қилингани бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Бозорларимизда бу йил ҳар қачонгидан ноз-неъмат сероб, баҳоси арзон, – дейди Бектемир туманида яшовчи Саида Қосимова. – Янги йил байрами олдидан халқимизга яратилаётган бундай қулай имконият ва шароит учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

– 50 бош қорамол ва 30 бош қўй боққан эдик, – дейди Пискент туманидаги «Саид ғолиб» фермер хўжалиги бошқарувчиси Отабек Ҳамдамов. – Икки кун давомида пойтахтликларга 500 килограммдан гўшт етказиб бердик.

Юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини бориб кўр, деган нақл бежиз айтилмаган. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш борасидаги ишлар ҳам изчил такомиллаштирилмоқда. Бу бозорларимизнинг янада тўкин ва обод бўлиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда. Кўпчилик яхши эслайди, илгари қиш келса, бозорларимиз деярли ҳувиллаб қолар эди. Ҳозир эса қайси бозорга кирманг, расталардаги тўкинликни кўриб, қиш эканлигига ишонгингиз келмайди. Бу истиқлол берган улкан имкониятлар самарасидир.

Қўйлиқ бозорида ҳам аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини янада юксалтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз, нисбатан арзон нархларда етказиб бериш мақсадида «Элга хизмат» шўъба корхонаси ишлаб турибди. Ушбу корхоналар орқали кунига юзлаб килограмм гуруч, тонналаб картошка, пиёз ва бошқа турдаги полиз маҳсулотлари, мева сотилмоқда. Тўловни банк пластик карточкалари орқали ҳам амалга ошириш имконияти харидорларга манзур бўлмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**Қарор ва ижро**

# БУЮК АЖДОДЛАРНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

***Илмий ва техникавий ахборот ҳажмининг кўпайиб бораётгани, технологияларнинг тез-тез алмашинаётгани ёш мутахассисларга бўлган талабни ҳам, олий таълим олдига қўйилаётган вазифаларни ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Бу эса илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг янада интеграциялашуви ҳамда ҳамкорлиги мустаҳкамланишини тақозо этади.***

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари амалга ошираётган ишлар бунинг ёрқин исботидир. Уч йил давомида улар иштирокидаги ихтиролар учун 27 патент олинди. Ушбу ихтироларнинг аксарияти саноат корхоналари ва компанияларида жорий этилаётир.

– Университетимизда иқтисодиётнинг энергетика, электроника, автоматика, машинасозлик, нефть ва газ, геология ва кон-металлургия саноати каби муҳим тармоқлари учун мутахассислар тайёрланади, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг илмий ишлар бўйича проректори Карима Норқулова. – Истиқлол йилларида университетимизда 54 мингдан зиёд мутахассис, шу жумладан, 26 минг нафар муҳандис тайёрланди. Айни пайтда университетнинг етти факультетида 33 йўналишда 11 минг бакалавр ва 750 нафар магистр 41 мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда. Мингдан зиёд профессор ва ўқитувчининг 80 нафардан ортиғи фан доктори ва 324 нафари фан номзодидир.

Ўқув юртида талабаларнинг замонавий билим олиши ва илмий изланишлар билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Бу борада университетнинг янги ускуналар ва ўқув моделлари билан мунтазам янгиланаётган бой моддий-техник базасидан самарали фойдаланилмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Энергияни тежаш ва қайта тикланадиган энергия манбалари» лабораторияси 8 кВтдан зиёд қувватга эга қуёш ҳамда шамол қурилмалари билан жиҳозланган.

Шунингдек, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси кўмагида энергетика факультети биноси, ўқув аудиториялари, лаборатория хоналари таъмирланиб, янги «Энергияни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган назорат тизими» лаборатория хонаси ташкил этилди. Унда талабалар электр энергияси сарфи ва истеъмолини ҳисобга олиш тизимини ўрганмоқда.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни янада интеграциялаштириш барча олий ўқув юртлари олдида турган долзарб вазифалардандир. Шу боис университетнинг ихтисослаштирилган кафедралари базасида 45 инновацион гуруҳ ташкил этилган, мамлакатимиз саноат корхоналари билан корпоратив ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилмоқда. Айни пайтда 150 дан зиёд шундай ҳужжат имзоланган.

Талабалар ва ёш олимлар «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси каби йирик саноат корхона ва компаниялари буюртмаси асосида икки юздан ортиқ инновацион лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этаётир.

Сўнгги йилларда университет ўқитувчи ва талабалари томонидан ихтиро учун 69 патент, дастурий маҳсулотлар рўйхатга олингани ҳақида 48 гувоҳнома олинган, илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш доирасида яратилган ихтиро ва ишланмалар учун юздан зиёд ариза тақдим этилган.

– Болалигимдан техника ва механикага қизиқишим боис ўша кезлардаёқ ўйинчоқ машиналарни қисмларга ажратиб, уларнинг тузилишини ўрганардим, – дейди биринчи курс магистранти Шарофиддин Мардонқулов. – Энди йирик саноат механизмлари ва қурилмаларини ўрганмоқдаман. Яқинда ўзим ихтиро қилган шахта-яллиғ печкаси учун патент олдим. Ундан алюминий, мис ва магний қотишмаларини эритишда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда бу ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. У қотишмани эритишда иссиқликни, ҳавога чиқарилаётган ёнувчи материаллар ҳароратини пасайтириш ва металлнинг механик хусусиятини ошириш имконини беради.

Фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилиши ўқиш жараёнида кенг қўлланилаётган ўттиздан зиёд дарслик ва етмишдан ортиқ ўқув қўлланмасини яратиш учун асос бўлди.

Техника йўналишидаги олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фундаментал ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш учун шароит яратиш, ёш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, буюк алломаларимизнинг муносиб давомчилари бўла оладиган юксак салоҳиятли ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

**(ЎзА)**

# АХБОРОТ ТАРМОҒИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

***Ахборот ҳамда фан-техника тараққиёти асри деб ном олган XXI асрда ҳақиқатан ҳам ҳаётимизни замонавий техника ва технологияларсиз, жумладан, телевизор, машина ва айниқса уяли алоқа воситаси — мобиль телефонларсиз тасаввур этиш қийин.***

Тошкент Давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида ташкил этилган «Сўз — ёшларга» номли ток-шоусида ҳам интернет глобал тармоғи, ундаги турли ижтимоий сайт, порталларнинг ижобий ва салбий хусусиятлари атрофлича талқин қилинди.

Дарҳақиқат, оддий бир гугурт ёрдамида қоронғу хонани ёритиш мумкин, аммо тўсатдан ёнғин содир бўлишига ҳам айни шу гугурт сабабчи бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бугун Интернетдан фойдаланиш асносида турли ижобий ва шунинг билан биргаликда салбий оқибатлар юзага келмоқда. Кенг кўламли имконият яратувчи, бежирим, ихчам ва бошқа қулайликларга эга мобиль телефонлар деярли ҳар бир ёшларда мавжуд. Мисол учун, унинг қулай имкониятларидан бири — у орқали керакли маълумотларни билиб олиб, телефон хотирасига сақлаб қўйиш мумкин. Бу каби қулайликлар барчани қувонтиради. Бироқ улардан ўз ўрнида фойдаланаяпмизми? Тўғри, унинг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий ҳолатларни келтириб чиқараётган жиҳатлари ҳам бор. Айни дамда ёшлар Интернетга янада боғланиб қолаётганига, ўз хотираларини заифлашаётганига ҳеч эътибор беришармикин, боз устига психолог ва шифокорлар телефон аппаратидан чиқаётган турли хавфли радиация нурлари инсон саломатлигига зарар етказиши ҳақида қайта-қайта таъкидлашмоқда.

Қолаверса, Интернетдан фойдаланаётган баъзи ёшлар нохуш тасвирларнинг ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатишини тўғри англай олмайди. Масаланинг бошқа томони эса йигит-қизларнинг бемаъни ва савиясиз гаплардан ташкил топган танишувларидан иборат. Бу эса табиийки, кераксиз ва ортиқча вақт ҳамда харажат сарф қилиш демакдир. Албатта, бунинг ўрнига қимматли вақтимизни фойдали ва унумли ишларга сарфласак айни муддао бўлади.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА**

***Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда Озарбойжон маданият маркази ҳамкорлигида университет биносида Озарбойжон маданияти, адабиёти ва санъати экс этган марказ ташкил этилганлиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.***

**Таълим**

# УНИВЕРСИТЕТДА МАДАНИЙ МАРКАЗ

Ўзбекистон ва Озарбойжон мамлакатлари ўртасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадлари кўзланган ушбу марказнинг очилишига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон — Озарбойжон дўстлик жамияти, Озарбойжон маданият маркази аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир аввалида марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бунда ташриф буюрганлар эътиборига марказдан ўрин олган Озарбойжон халқининг санъати, адабиёти ва маданиятига алоқадор бетакрор санъат намуналари, жумладан у ерда жамланган миниатюра, ганчкорлик асарлари, ажойиб экспонатлар ҳамда китоблар ҳавола этилди.

— Озарбойжон президентининг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан Ўзбекистон — Озарбойжон маданий алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият маркази ташкил этилган эди, — дейди Ўзбекистон — Озарбойжон дўстлик жамияти ижрочи директори Эркин Нуриддинов. – Эндиликда университет қошидаги янги марказда ёшлар иштирокида ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Ушбу марказ Низомий номидаги педагогика университети ва Озарбойжон давлат педагогика университети ташаббуси билан ташкил этилди. Озарбойжон Республикаси маданият ва туризм вазирлиги томонидан қабул қилинган баёнотига кўра маданият маркази раҳбари Самир Аббосов ва университет ректори Шавкат Шарипов томонидан шартнома имзоланди.

— Университетимизда Озарбойжон маданият маркази ташкил этилганлиги қувончли воқеа бўлди, — дейди Ўзбек адабиёти кафедраси доценти Гулбаҳор Ашурова. – Ушбу марказ талабаларимиз учун катта имкониятлар яратади, боиси қардош халқ маданий алоқаларининг йўлга қўйилганлиги билан бир қаторда, марказда ушбу халқ тилини ўрганиш бўйича тўгаракларга қатнаш имкониятига эгадирлар. Марказ кутубхонасидан ўзбек ва озарбойжон халқларига доир адабиётлар билан танишишлари мумкин.

Шунингдек, марказда очиқ дарслар, маданий тадбирлар ташкил этиш, эркин мулоқотлар ҳамда мушоиралар ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари, қардош халқ санъатига доир мусиқа ва қўшиқлар, тарих, адабиёти ва маданиятига доир видео лавҳалар, суратлар ва китоблар Озарбойжон маданий маркази томонидан университетга тақдим этилди.

Тадбир сўнгида Самир Аббосов сўзга чиқиб, университетда маданий марказ очилишига ёрдамини аямаган университет раҳбарига ўз миннатдорчилигини билдирди.

**Зиёда ОРТИҚОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


TRASTBANK
ишонч билан юзма-юз

### "TRASTBANK" ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
дилларимизга завқу шавқ,
ўзгача бир шукуҳ бахш этиб кириб келаётган
Янги йил байрами билан самимий қутлайди.

Мана шундай хурсандчилик кунларда
барчангизга соғлиқ-саломатлик, шахсий
ҳаётингиз ва иш
фаолиятингизда зафарлар тилаймиз.
«Соғлом бола йили» деб эълон қилинган 2014 йил
барчамиз учун ютуқ ва
қувончлар келтирсин.
Ҳамиша юртимиз тинч,
дастурхонимиз тўкин бўлсин,
оилаларимиз файзу тароватга тўлсин.

### "8-АВТОБУС САРОЙИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Қадрли ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз
меҳмонларини обод диёримизга файзу
барака бахш этган ҳолда кириб келаётган
Янги йил байрами билан чин кўнгилдан қутлаймиз.
Эл-юртимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган
барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Йил давомида сизларни яхши кайфият ва омад
асло тарк этмасин!

Янги – 2014 йил муборак бўлсин!



Янги -2014 йилингиз
муборак бўлсин!

### ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни
кириб келаётган – янги 2014 йил
билан самимий қутлайди.

Истиқболи порлоқ, келажаги буюк
давлатимиз янада гуллаб-яшнасин.
Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин
бўлсин, хонадонларимиздан файзу
барака аримасин.

«Соғлом бола йили» да заминимиз
болажонларнинг шодон кулгусига тўлсин!



### ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ
2014 ЙИЛ — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Азизлар! Янги йил ўзининг файзли
одимлари ила сизларга бахт, омад ва
шодмон кунларни ато этсин. Юртимиз
тинч, дастурхонимиз тўкин, ёшларимиз
бахтиёр, кексаларимиз эса соғу саломат
бўлишсин.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Сизларни файз-тароват ила кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан қутлаймиз.

Барча эзгу ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз. Ишларингиз доимо ўнгидан келсин. Дастурхонингиздан барака аримасин, азизлар.

2014 йил – «Соғлом бола йили»да юртимизнинг ҳар бир гўшасида болаларнинг шодон кулгулари жаранглаб турсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
«СУВСОЗ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Янги – 2014 йил билан барчангизни самимий тилаклар ила муборакбод этамиз.

Шундай қутлуғ кунларда эзгу ниятимиз – юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, хонадонларимиздан файзу барака аримасин.

Элимизнинг дастурхони доимо тўкин бўлсин.

"ДИЛШОД ШЕРЗОД БИЗНЕС"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ўзгача завқ-шавқ улашиб, ўзининг қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган

ЯНГИ – 2014 ЙИЛ

билан сизларни чин қалбдан муборакбод этаётганимиздан бениҳоя бахтиёрмиз.

Шундай шукуҳли байрам арафасида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз. Янги йилда дилингиздаги барча орзуларингиз ушалсин. Шодиёна қувончлари йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин, оилангизда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Кириб келаётган янги 2014 йил – "Соғлом бола йили" билан барчангизни самимий муборакбод этамиз.

Байрам нафаси дилларимизга илиқлик, хонадонларимизга файзу барака, озод ва обод юртимизга фаровонлик олиб келсин!

"ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ" ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ
ВА "ОЛИМКЕНТ" ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

AGROBANK

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

Ҳурматли акциядорлар, банк мижозлари ва юртдошлар!
Сизларни кириб келаётган Янги йил байрами билан табриклаймиз.
Сизга ва яқинларингизга сиҳат-саломатлик, қувонч, омад, яхши кайфият ва зафарлар тилаймиз.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки
100096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43
Тел: 8(371) 120-88-33, 150-53-95
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини ўлкамизга файз-тароват ила кириб келаётган янги – 2014 йил билан самимий муборакбод этади.
Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, тўкин-сочинлик тилаймиз.
Обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







# ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИГА ЙЎЛ ЙЎҚ

***Мамлакатимизда Янги йил байрамининг тинч-осойишта ва мазмунли ўтишини таъминлаш, халқимиз янги йилни шоду хуррамлик билан кутиб олиши учун зарур шароитлар яратиш ва турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пиротехника воситаларининг мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилиши ва савдосига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа тегишли идоралар ходимлари томонидан мазкур йўналишда тизимли ва изчил ишлар бажарилмоқда.***

2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим ҳуқуқий омил бўлаётир. Мазкур ҳужжатга кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш ёки сотиш маъмурий ва жиноий иш қўзғашга асос бўлиши белгиланган.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, афсуски, мамлакатимизга пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

– 2012 йилда божхона хизмати ходимлари томонидан 31 минг донадан зиёд пиротехника воситасини ноқонуний олиб кириш бўйича 120 ҳолатга чек қўйилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг катта инспектори Мастура Абдуллаева. – 2013 йилнинг ўтган даврида божхона постларида 59 қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 50 мингга яқин турли пиротехника воситалари мусодара қилинди. Жумладан, Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан Москва — Тошкент йўловчи поездида ўтказилган навбатдаги назорат текшируви чоғида божхона баённомасида кўрсатилмаган қиймати 63 миллион сўмдан ортиқ турли озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва пиротехника воситалари мусодара қилинди.

Аниқланган барча ҳолатлар юзасидан қонунбузарларга нисбатан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходимлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 25 ноябрдан буён 4412 рейд ўтказган. Умумтаълим муассасалари, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда ўтказилган текширувлар натижасида 450 донадан зиёд пиротехника воситаси борлиги аниқланган.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда тушунтириш ишлари ўтказилди.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 декабрдаги фармойишига биноан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, йиғилиш ва семинарлар бўлиб ўтмоқда.***

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ана шундай тадбирлардан бири «Ватанпарвар» ташкилотининг Учтепа ЎСТК НТМда бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, ўқув ташкилоти раҳбарлари, «В», «ВС», «С» тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида таълим олувчилар, ўқитувчилар ва автомобиль бошқаруви усталари иштирок этди.

Мазкур ойлик давомида мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари, ҳайдовчилар, пиёдалар ва болалар ўртасида профилактика тадбирларини ўтказишга аҳамият қаратилаётир. Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва автомобиль йўлларни яхшилашга ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Маълумотларга кўра сўнгги йиллар давомида йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ва бунинг натижасида йўл-транспорт ҳодисаларини содир этилишининг 70 фоиздан ортиғига эндигина ҳайдовчилик курсларини тугатиб, гувоҳномага эга бўлган ёш ҳайдовчилар сабаб бўлмоқда. Шу боис таълим олаётган бўлажак ҳайдовчиларга транспорт бошқариш маданияти ва йўл ҳаракати қоидаларини чуқур ўргатиш ҳамда бу қоидаларга қатъий риоя қилишни уларнинг онгига сингдириш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда катта аҳамият касб этиши тадбирда алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида шунингдек, бўлажак ҳайдовчилар ўз оила аъзолари ва фарзандларига пиёда сифатида йўл ҳаракати қоидаларини ҳурмат қилишлари ва уларга риоя этиш зарурлигини ўргатиши кераклиги айтиб ўтилди.

Тадбир сўнгида йиғилганларга ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилмаслик, маст ҳолатда машина бошқариш ва тезликни ҳаддан ташқари ошириш натижасида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларини ўзида мужассам этган фильм намойиш этилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

# МАШҚЛАР ОГОҲЛИККА УНДАЙДИ

***«Офат рўй бермай туриб унинг олдини олган афзал» дейдилар. Шу боисдан, кутилмаган офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир.***

Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш, Тошкент шаҳри ҳудудида рўй бериш эҳтимоли бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан жойларда қатор муҳофаза тадбирлари кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Хусусан, яқинда Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 2-сонли «Қорасув» иссиқлик марказида «Юзага келган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда объект раҳбарияти, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳамда фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари» мавзусида тактик-махсус ўқув машқи ўтказилди.

Энг муҳими, фуқаролар муҳофазасини таъминлашга қаратилган мазкур тадбир мобайнида ҳар бир машқ иштирокчиси ўзига юклатилган вазифани қониқарли тарзда бажаришга ҳаракат қилди.

Тактик-махсус ўқув машқига 50 нафар объект раҳбарияти ва ишчи-ходимлари, 11 та техника воситалари, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув отряди» қутқарувчиларидан иборат экипаж, ИИБ ЁХБнинг ёнғин ўчириш экипажи ва тез тиббий ёрдам станциясининг экипажи жалб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, тасдиқланган режага мувофиқ, юқоридаги мавзуга оид тактик-махсус ўқув машқларини пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган бошқа объектларда ҳам тўлақонли ўтказиш кун тартибидан жой олган.

**Отабек ХУШВАҚТОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ**
**Қутқарув кучлари бўлими**
**бошлиғи**
**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ 01-76, 01/1184-сон қўшма қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 мартда 1461-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом»га асосан

Тошкент Давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейининг вакант (бўш) бўлган

## ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» малака талабларига асосан танловда

а) **ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига** академик лицей таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) **маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига** ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

1. Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Таълим муассаса директорининг тавсия хати;
3. Маълумотнома (объективка);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнииг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 3х4 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепция)си;
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (турар жойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган бўлиши керак);
14. ИИБ дан маълумотнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, индекс: 100100

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# «КАМОЛОТ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЛОЙИҲАСИ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакатимиз тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» лойиҳасининг якунлари сарҳисоб қилинди.***

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги вакиллари, кўплаб олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этган талабалар, «Конституция билимдони» он-лайн танлови ғолиблари қатнашди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни ўз кучи ва имкониятига таянадиган, атрофда рўй бераётган воқеаларни тўғри баҳолайдиган ҳамда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан узвий боғлайдиган баркамол шахс этиб тарбиялашга қаратилганини таъкидлади.

Ёшларни сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ушбу хайрли мақсадларни амалга оширишда муҳим омилдир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакатимиз тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» лойиҳасини қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келмоқда. Лойиҳа мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга нисбатан мустақил ва онгли муносабатни шакллантириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда Конституция ғояларини ёшларга етказиш, йигит-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2013 йилда лойиҳанинг кўлами янада кенгайиб, янги йўналишлар билан бойитилди. 20 ноябрдан 15 декабргача давом этган мазкур лойиҳа умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда «тенгдош – тенгдошга» тамойили асосида амалга оширилди. Уни ҳаётга татбиқ этиш доирасида Тошкент давлат юридик университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 60 дан ортиқ иқтидорли талаба ҳамда ёш ўқитувчиларидан таркиб топган республика тарғибот гуруҳи тузилди. Улар ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари аъзолари учун давра суҳбатлари, семинар ва суҳбатлар ўтказди. Ташкилот аъзолари эса, ўз навбатида, бундай тадбирларни ўқув муассасалари, иш ва яшаш жойларида ташкил этди. Мамлакатимизда 720 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирокида 8,5 мингта шундай тадбир бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ўртасида қўшма ҳужжатнинг имзолангани лойиҳанинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ушбу ҳужжатни жорий этиш давомида ёшлар суд органлари тизими ва фаолияти билан танишди, вилоят, шаҳар ва туман судларида қатор учрашувлар ўтказди. Бу ёшларга одил судлов тизими фаолиятининг принципларидан хабардор бўлиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича ўз билимини ошириш ва бу жараёнда Конституциямизнинг аҳамиятини чуқур англаш имконини берди.

Ёшларнинг шаҳар, туман ва вилоят ҳокимлари билан бўлиб ўтган 150 дан зиёд учрашуви лойиҳани амалга ошириш борасидаги кейинги йўналишни ташкил этди. Учрашувлар чоғида 35 мингдан кўпроқ ёш ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Бундан ташқари, «Конституция билимдони» он-лайн танлови ҳам лойиҳада кўзда тутилган йўналишлардан биридир. Унда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди. Икки босқичдан иборат бўлган танловда қатнашиш учун kamolot.uz сайтидаги тегишли бўлимда рўйхатдан ўтиш ва зарур маълумотларни тўлдириш талаб этиларди. Энг яхши иштирокчиларни танлаб олишда нафақат Ўзбекистонда яшаётган, балки хорижий мамлакатларда таълим олаётган 21,6 мингдан зиёд йигит-қиз ҳам иштирок этгани, айниқса, эътиборлидир. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, танлов саволларига кўпчилик тўғри жавоб берган ва шу боис улар орасидан энг билимдонлар «Ким тез жавоб берди» принципи бўйича саралаб олинди.

Лойиҳа якунига кўра, республика тарғибот гуруҳининг 14 нафар энг фаол аъзоси, бошланғич ташкилотларнинг 28 нафар фаол етакчиси ва он-лайн танлови ғолиблари аниқланиб, мукофотланди.

– Танлов саволлари жуда қизиқарли бўлиб, нафақат Конституциямиз, балки қонунларимиз ҳақида ҳам кенг билимга эга бўлишни тақозо этди, – дейди ЎзА мухбирига «Конституция билимдони» он-лайн танлови ғолиби, Фарғона политехника институтининг тўртинчи курс талабаси Аброр Отабоев. – Қийинчиликларга қарамасдан, барча саволларга тез ва тўғри жавоб бериб, 100 балл тўпладим ва мутлақ ғолиб бўлдим. Бундай танловларда иштирок этаётган ёшлар сафи йилдан йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир.

**Сардор ТОЖИЕВ**



Янги йил шукуҳи

# БОЛАЖОНЛАР ИҚТИДОРЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

***Чилонзор туманидаги 534-мактабгача таълим муассасасида 14 та гуруҳда жами 357 нафар болажонлар тарбияланади.***

Гуруҳларда тарбиячиларнинг болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш йўлида самарали фаолият кўрсатишлари натижасида ушбу мактабгача таълим муассасаси ўзига хос ютуқларга эришмоқда. Жумладан, ушбу боғча «Мактабгача таълим муассасасининг имижи — 2011» кўрик-танловида I даражали диплом билан тақдирланган, Чилонзор туманида ўтказилган «Санъатим сенга — обод юртим» кўрик-танловида ғолиб чиққан бўлса, ушбу кўрикнинг шаҳар босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади.

534-мактабгача таълим муассасаси 90-умумтаълим мактаби билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Ҳар бир гуруҳда инглиз тили бўйича машғулотлар олиб борилади. Ушбу машғулотларнинг самараси ўлароқ бугунги кунда байрам эрталикларида ҳам инглиз тилида шеър, қўшиқлар ижро этилмоқда.

Куни кеча 534-МТМнинг «Камалак» гуруҳида Янги йил байрамига бағишланган эрталик жуда қизиқарли ўтди. Уни гуруҳ тарбиячиси Наргиза Ғуломова инглиз тилида олиб борди. Ўз навбатида болажонлар ҳам инглиз тилида мусиқали чиқишлар қилдилар. Қорбобонинг инглиз тилидаги табриклари эса тарбияланувчиларга хуш кайфият бағишлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: байрам эрталигидан лавҳалар**



Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

# ЙЎЛДА ҲУШЁР БЎЛИШ — ХОТИРЖАМЛИК ДЕМАКДИР

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 декабрдаги фармойиши бу борада муҳим омил бўлаётир. Мазкур фармойишга биноан мамлакатимизда 15 декабрдан йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.***

Ойлик доирасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жамоат жойларида панно ва баннерлар ўрнатилиб, огоҳликка чақирувчи плакатлар ёпиштирилган. Ички ишлар органлари ходимлари билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилиб, маҳаллалар, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирларни ўтказишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этаётир. Хусусан, улар ёрдамида мингга яқин тушунтириш суҳбатлари ўтказилди. 259 махсус рейд гуруҳлари ташкил этилиб, 2325 рейд амалга оширилди.

Бу борада, айниқса, ҳайдовчиликка ўқитадиган муассасалар ва йўловчиларни ташиш билан шуғулланадиган транспорт воситаларини текширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар ташкил этилаётир. Хусусан, 26861 транспорт воситаси текширилиб, уларда 389 техник носозликлар аниқланди. Бундан ташқари, 1395 километр йўл, асосан пиёдалар ўтиш жойлари ва йўлаклар кўздан кечирилди, уларнинг 85 километри таъмирланди. 273 янги йўл белгилари ўрнатилиб, 785 таси алмаштирилди.

– Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида таълим-тарбия муассасалари, маҳаллалар ва корхоналарда йўл ҳаракати қоидаларини кенг тушунтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ижобий самара бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг катта инспектори, подполковник Мансур Рихсиев. – Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасида йўл-транспорт ҳодисалари ва унинг оқибатида шикастланганлар сони сезиларли даражада камайди.

Айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, йўлларда назоратни кучайтириш, аҳоли ўртасида профилактика тадбирлари ўтказишни янада кенгайтириш юзасидан изчил иш олиб бормоқда.

Яқинлашиб келаётган Янги йил байрами ва қишки таътил кунларини хотиржам ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган бундай тадбирлар мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, юртдошларимиз хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ирина ДОЛЕНКО**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида ёшлар ўртасида спорт тобора оммалашмоқда.***

2014 йил — Соғлом бола йили

# БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Буни пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин. Авваллари мазкур муассасада ўқувчилар фақат сузиш билан шуғулланган бўлса, мажмуа болалар ва ўсмирлар спорт мактабига айлантирилгач, бадиий гимнастика, белбоғли кураш, турон яккакураши тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди. Қисқа фурсатда спорт тўгаракларига аъзо ёшлар сафи кескин кенгайди. Бугун бу ерда 500 нафарга яқин ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Мактабда машғулотларни тизимли ва самарали ташкил этиш учун барча шароит яратилган.

– 2014 йили мактабимизда эркин кураш ва оғир атлетика тўгаракларини ҳам ташкил этишни режалаштирганмиз, – дейди спорт мактаби директори Жамшид Каримов. – 2012 йили Лондон Олимпиадасида ҳамюртимиз Артур Таймазовнинг эркин кураш бўйича учинчи бор олтин медалга сазовор бўлиши ва яқинда Руслан Нурудинов ва Улуғбек Алимовнинг оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатида эришган улкан ғалабалари барчамизнинг қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирди. Юртимиз спортидаги бундай қувончли воқеалардан сўнг мактабимизга айнан шу спорт турлари бўйича шуғулланиш истагида келаётган ёшлар кўпайди.

Мактабда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг апрель ойида ташкил этилган бадиий гимнастика тўгарагида спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланувчи қизлар тобора кўпаймоқда. Айни пайтда беш гуруҳда олтмиш нафар қиз бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг тажриба ва маҳоратини оширишда Зиёда Ризаева, Наргиза Турдиева каби ёш мураббиялар сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

– Қизларни спортга қизиқтириш алоҳида ёндашувни талаб қилади, – дейди бадиий гимнастика мураббийси Зиёда Ризаева. – Машғулотларга келган қизларни толиқтириб қўймаслик учун дастлаб уларга осон ва қизиқарли машғулотларни тавсия қиламиз. Уларда маълум кўникма ҳосил бўлгач, бадиий гимнастиканинг мураккаб машқларини ўргатамиз.

– Бадиий гимнастика билан шуғуллана бошлаганимга икки йил бўлди, – дейди саккиз ёшли Рухсора Баҳодирова. – Аввалги тўгарак уйимиздан анча олисда жойлашганди. 2013 йилдан бошлаб маҳалламиз ёнидаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган тўгаракка қатнаяпман. Дарсдан сўнг дугоналарим билан гимнастика сирларини ўрганяпман. Арғамчи, ҳалқа, тўп, лента ва булавада композицион машқлар бажариш менга завқ бағишлайди. Келажакда мен ҳам Замира Санақулова, Азиза Мамажонова сингари чемпион бўлишни орзу қиламан.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда Рухсора сингари спортга ҳаваси ортиб, соғлом турмуш тарзига ошно тутинаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар спорт машғулотлари орқали саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари сари интилаётир.

Юртбошимиз ташаббуси билан мустақил ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган навқирон авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик, замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида яратилган кенг имкониятлар ёшларнинг спортга қизиқишини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

Спорт янгиликлари

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

***Навоий вилоятида ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.***

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда юртимизнинг барча вилоятларидан келган 200 нафар ёш полвонлар 10 та вазн тоифасида ғолиб бўлиш мақсадида ўзаро беллашишди.

Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашувларда пойтахтлик, навоийлик ҳамда андижонлик спортчиларнинг мусобақага пухта тайёргарлик кўрганлари яққол сезилиб қолди. Ўз вазн тоифаларида ҳамшаҳарларимиздан Илҳом Баҳромов, Достон Турсунбоев ва Абубакир Раимовлар биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаллар билан тақдирланишди.

Мусобақа якунида пойтахт шаҳри жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этди.

Фахрли 2,3-ўринларни эса Навоий ва Андижон вилоятлари жамоалари эгаллашди.

***«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида таэквондонинг АТF тури бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон Кубоги баҳслари пойтахт спортчиларига шода-шода медалларни тақдим этди.***

# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ МУСОБАҚАДА ТЕНГСИЗ

Ушбу мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 24 та жамоа вакиллари совринли ўринлар учун кураш олиб боришди.

Аммо, совринли ўринларга асосан Тошкент шаҳри спортчилари даъвогарлик қилишди ва кўпгина медаллар ҳамшаҳарларимизга насиб этди.

Якунда ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасини шаҳримизнинг «Қорасув» жамоаси эгаллаган бўлсада, фахрли 2,3-ўринлар ҳам пойтахт жамоаларига насиб этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ, кундузи — 1 даража совуқ, 1 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1241
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8513 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 17.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5